



ТОШКЕНТ

ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 241 (11.802)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ВА ХАЛҚИНИНГ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАТБИЙ ИНТИЛИШНИ КЎРСАТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида қилган маърузаси хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, кенг муҳокама этиб келинмоқда.

Германиянинг Бремен шаҳрида «Германия — Ўзбекистон жамияти» билан ҳамкорликда ушбу мавзуга бағишланган брифинг ўтказилди. Унда мазкур жамият раҳбарияти, Ўзбекистон Республикасининг Бремендаги фахрий консули Л.Фоллерс ҳамда мамлакатнинг бошқа ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлилчи доиралари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Брифинг қатнашчиларига Президент Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини кучайтириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий эркинлаштиришга оид илгари сурилган устувор ташаббуслар хусусида атрафлича маълумот берилди.

Йиғилганлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида қилган маърузасининг асосий моҳияти хусусида ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Хусусан, «Бремен Германия — Ўзбекистон жамияти» президенти Э.Мочманн бир қатор халқаро тадбирларда иштирок этиш мақсадида юртимизга кўп маротаба ташриф буюргани ва ҳар гал мустақилликка эришилгандан кейинги қисқа тарихий давр ичида Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилганига ишонч ҳосил қилганини таъ-

кидлади. Шу ўринда у Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳоти, иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, шу жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда хотин-қизларнинг тутган ўрнини ошириш борасида эришилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди.

Э.Мочманнинг фикрига кўра, Ўзбекистон раҳбариятининг миллатлар ва динлараро ҳамжиҳатликни мустақамлаш, бошқа мамлакатлардан фарқли ўларок, турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаётини таъминлаш бўйича олиб бораётган сиёсати республикадаги ислохотлар самарасига яққол мисолдир.

Ўзбекистон Республикасининг Бремендаги фахрий консули Л.Фоллерс Ўзбекистон ўзининг узқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли изчил ва барқарор иқтисодий ривожланишга эришганини қайд этди. Унинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатлари ичида биригина Ўзбекистон жадал ривожланаётган саноатни муҳим хом ашёлар билан, шунингдек, аҳолини зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлагани ҳолда, тарихан қисқа фурсатда энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини қўлга киритди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси Фози университетининг билан ҳамкорликда Анкара шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказди. (Давоми 2-бетда)

Унда пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, болалар кутубхоналари мутахассислари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда аҳолига, жумладан, ёшларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори бу борада му-

Қарор ва ижро

КУТУБХОНАДА «АХБОРОТ КУНИ»

Республика болалар кутубхонасида «Ахборот куни» бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мазкур кутубхона билан мактаблардаги ахборот-ресурс марказлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

ҳим дастуриламал бўлаётди.

Республика болалар кутубхонаси фондида, деб хабар беради ўЗА, салкам 220 мингга яқин илмий-маърифий, адабий-бадний, ўқув-оммабоп китоблар мавжуд. Бу ерда таъ-

лим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олишига кўмаклашиш, миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг қўламада тарғиб

қилиш, янги ахборот технологиялари — маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари асосида ахборот хизмати кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда кутубхонадаги мавжуд илмий-маърифий адабиётларнинг электрон шаклини яратиш устида жадал иш олиб бориляпти.

Кутубхона директорининг ўринбосари Умида Райимбекованинг таъкидлашича, ўқувчи-ёшларда китобга бўлган меҳрни янада кучайти-

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЎЗА олган сурат

Ижтимоий лойиҳалар

ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг янги лабораториясини биноси фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, фармацевтика соҳаси мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастури»ни амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 5,5 мингдан ортиқ дори воситалари ва 1 минг 400 га яқин тиббий буюм давлат рўйхатидан ўтказилиб, тиббий амалиётда қўллаш учун рухсат этилган. Шуларнинг мингга яқини мамлакатимиз қорхонала-

рида ишлаб чиқарилаётган дори воситаларидир.

Айни пайтда, деб хабар беради ўЗА, бошқарма тасарруфидаги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш ва стандартлаш лабораториясида фармакотоксиколог ва микробиологик таҳлиллар, вакцина, зардоб препаратлари, тиббий техника, буюмлар ва ускуналарнинг сифат назорати билан боғлиқ бўлимлар фаолият юритмоқда. Жаҳон стандартлари талаблари даражасида қурилган янги бино замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Мазкур лабораториянинг замонавий бинога эга бўлиши фармацевтика ва тиббий маҳсулотлари сифатини тўла таҳлилдан ўтказиш, халқимизни сифатли дори воситалари билан таъминлаш, тиббий маҳсулотлари экспорти ҳажминини янада ошириш имконини беради. Гўзал САТТОРОВА

XXI аср **садоси**
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси томонидан илмий-амалий конференция ўтказилди. Тупроқ емирилишининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган давлат сиёсати масаласига бағишланган тадбирда парламент аъзолари, тегишли вазирлик, қўмита ва уюшмалар, илмий-текшириш институтлари вакиллари иштирок этди.

• Гулистон шаҳрида тармок касабаси уюшма ташкилоти етакчиларининг халқаро семинари ўтказилди. Ушбу анжуман Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси марказий кенгаши ташаббуси билан Халқаро таълим ташкилотининг Осиё — Тинч океани минтақавий консорциуми ҳамкорлигида ташкил этилди.

• Дехқонobod тумани марказий шифонасининг оналар ва болалар бўлимида «Шўртангаз-кимё» мажмуаси ҳомийлигида 260 миллион сўмлик қурилиш таъмирида ишлари амалга оширилди.

• Қарши муҳандислик-иқтисодий институтида Илмий-амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва инновация маркази ташкил этилди. Қисқа фурсат ичида марказ томонидан 10 га яқин саноат қорхоналари билан ишланма ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 118 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

• Фарғона шаҳрида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган одам савдосига қарши курашиш масалаларига бағишланган тадбир ташкил этилди.

• Қўшработ туманидаги «Фарида» хусусий қорхонаси Қўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи 15 нафар хотин-қизни касаначилик асоида иш билан таъминлади.

• Тўрақўрғон шаҳридаги 9-болалар музыка ва санъат мактаби замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган янги бинода иш бошлади. Мазкур иншоотни бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 1,7 миллиард сўм маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Сенати стратегик ҳужум қуроллари юзасидан шартнома бўйича дебатларни бошлаш учун овоз берди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа Саддам Ҳусайн пайтида белгиланган санкцияларни бекор қилди.

• Кеча Москва милицияси шаҳарда оммавий тартибсизликлар уюштирилишининг олдини олди. Бунга уринган 800 киши ҳибсга олинди.

• Ирландия парламенти мамлакатта 85 миллиард евро миқдоридagi молиявий ёрдам кўрсатилишини маъқуллади.

• Кеча Европанин Греция, Чехия, Испания, Бельгия ва Франция мамлакатларида ҳукуматларнинг инкирозга қарши чора-тадбирларига нисбатан оммавий тартибдаги норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

• АҚШ маъмурулари Мексика кўрфазини экологизацияга етказилган зарар учун айбланаётган Буюк Британиянинг «Бритиш петролеум», Япониянинг «Мицуи» ва бошқа компанияларига нисбатан даъво аризаси берди. Агарда ушбу компанияларнинг айблари исботланса, улар 20 миллиард доллардан ортиқ тоvon пули тўлайдилар.

• Сомали пойтахти Могадишода рўй берган кескин тўқнашувлар натижасида 15 киши ҳалок бўлди.

• Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ҳарорат ҳаддан ташқари исиб кетиб, рекорд кўрсаткич — 40 даражага етди.

• Францияда мактаб ўқувчиларини олиб кетаётган автобуснинг поезд билан тўқнашиб кетиши натижасида 18 нафар ўқувчи жароҳатланди.

• Албания, Босния ва Герцеговина аҳолиси кечадан бошлаб Шенген ҳудудига визасиз кириш ҳуқуқига эга бўлди.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** маҳалла фаоллари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокида «Одам савдосига қарши курашишда фуқаролик институтларининг ўрни» мавзусида семинар ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Сергели тумани ФХДЭ бўлими қошидаги «ёш оила қурувчилари мактаби»нинг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** телевидение ва радио касб-хунара коллежида ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иш-

тирокида «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ МАМЛАКАТ РАҲБАРИЯТИ ВА ХАЛҚИНИНГ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚАТЪИЙ ИНТИЛИШНИ КЎРСАТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда Туркиянинг Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи етакчи экспертлари, Фози университети раҳбарияти, ўқитувчи ва талабалари ҳамда Туркия оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Анжуман давомида иштирокчилар диққатиغا Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ва республика раҳбарияти томонидан белгиланган мамлакатни янада ривожлантириш концепциясига оид ахборот ҳавола этилди.

Анжуманда Фози университети ўқитувчи ва экспертлари, Туркиянинг «Kavkazssam» Кавказ тадқиқот маркази ва бошқа илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий ўқув юртлирининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг турк тилига таржима қилинган ва Туркия академик ҳамда таҳлилий доираларига тақдим этилган маърузаси тadbир қатнашчиларида ижобий муносабат уйғотди.

Туркиялик экспертларнинг таъкидлашларига кўра, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ижтимоий, иёсий ва иқтисодий соҳада бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олган мамлакат раҳбариятининг роли ўзини тўлиқ оқлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ ўзбекистон ташқи босим таъсирига тушмасдан, ўз ички ва ташқи сиёсатини маҳаллий шарт-шароит, миллий анъаналар, маданий ва тарихий қадриятлар ҳамда жи-

ҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда, тўғри ва пухта олиб борди. Экспертларнинг фикрича, «Ҳозир Ўзбекистонда демократик қадриятлар ва тамойилларни ўзига бирлаштира оладиган давлат механизми ва бошқарув тизимининг барча таркибий қисмлари яратилган. Ислохотларнинг навбатдаги босқичи — аҳоли кенг қатламларини жалб этган ҳолда бошқарув тизимини демократлаштиришдир».

Фози университети доценти М.Эролнинг таъкидлашича, «Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги геостратегик жойлашуви ва минтақада, айниқса, Афғонистон, Қирғизистон ва Тожикистонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни эътиборга олганда, давлатчиликни ривожлантиришнинг «ўзбек модели» нақадар самарали ва тўғри эканини кўриш мумкин. Ўзбекистонда, авваламбор, давлатнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига эътибор қаратган ҳолда, демократия ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим қарорлар чиқарилди ва босқичма-босқич амалга оширилди».

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президентининг парламент кўшма мажлисида қилган маърузасининг эътиборли жиҳати шундаки, унда салкам 20 йил мобайнида Ўзбекистонда олиб борилган ислохотлар атрофлича таҳлил қилинган, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш учун зарур пойдеворни яратишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. «Мухтасар қилиб айтганда, Президент

Ислом Каримовнинг маърузаси мамлакат раҳбарияти ва халқининг ўз танлаган йўлидан тараққиёт сари қатъий интилишини кўрсатади», деди эксперт.

Оқсарой университети профессори С.Имернинг таъкидлашича, «Йигирма йил муқаддам ўзбек халқи демократик тараққиёт йўлини танлади. Демократия, бу — зарур қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва мазкур қонунларга оғишмай риоя этилиши учун фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясини кучайтириш билан боғлиқ доимий жараёндир. Шу маънода, Президент Ислом Каримовнинг маърузаси Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини чуқурлаштиришнинг истиқболдаги йўллари аниқ белгилаб берилган муҳим ҳужжат, дейиш мумкин».

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчионасида ҳам Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси муҳкамасига бағишланган брифинг ўтказилди.

Унда Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги, сиёсий, жамоатчилик доиралари ҳамда етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Тadbир давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари жамиятни ислох қилиш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришни янада чуқурлаштиришга қаратилганига алоҳида урғу берилди.

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги **МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилувчи Департаментининг Ўзбекистон бўлими бошлиғи С.Макаренокнинг** қайд этишича, «Ўзбекистонда кечаётган ички сиёсий воқеалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сўнгги сайловлар Россия жамоатчилигининг диққат-эътиборида бўлди. Президент Ислом Каримовнинг ташқи сиёсий ташаббусларига доир, БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлиси, шунингдек, Парламент палаталарининг кўшма мажлисидаги маърузалари жиддий ва ҳар томонлама ўрганилди». Россиялик дипломатнинг фикрига кўра, ушбу маърузалар Ўзбекистон раҳбариятининг кенг қамровли режаларидан, мамлакатни изчил ривожлантириш мақсадида юритилаётган пухта ва оқилона сиёсатидан дарак беради.

Унинг айтишича, «Ўзбекистонда содир бўлаётган мазкур муҳим сиёсий воқеалар нафақат Россия Федерацияси, балки бутун дунё жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиди. Хусусан, айни пайтда Президент Ислом Каримовнинг ташқи сиёсатга доир кўплаб ташаббуслари жаҳон миқёсида кенг муҳокама қилиб келинмоқда ва уларнинг ҳаётига татбиқ этилиши нафақат Марказий Осиё минтақаси халқлари учун, балки халқаро майдонда ҳам ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга».

«Жаҳон» АА.

Иқтисодиёт

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСМОҚДА

Ишлаб чиқаришни бугунги кун талаби даражасидаги юксак унумли ускуналар билан жиҳозлаган ҳолда ташкил этиш ва маҳсулот сифатини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни алоҳидадир.

Буюк британиялик шериклар билан 2006 йилда иш бошлаган «Hi Tech Kabel» кўшма корхонасида ҳам замонавий технологиялар асосида рақобатбардош товарлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган паст ва юқори кучланишга эга бўлган кабель маҳсулотлари кўплаб соҳа ва тармоқларда ишлатилиши, шунингдек хорижлик буюртмачилар — Украина, Қозоғистон, Афғонистон, Грузия, Қирғизистон сингари давлатларга экспорт қилинаётгани ҳам изланиш ва муваффақиятдан далолатдир. Корхона маҳсулотлари халқаро сифат менежменти тизимининг ISO 9001-2000 стандарт талабларига тўлиқ мослиги билан ажралиб туради.

Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда корхонада янги маҳсулот турларини яратиш ва харидорларга етказиб бериш устида изланишлар давом этмоқда. Бу борада малякали мутахассисларнинг билим ва тажрибаси ўз самарасини бермоқда.

ХАРИДОРГИР МЕБЕЛЬ ЖИҲОЗЛАРИ

Рақобатбардош маҳсулотлар билан истеъмолчининг талаб ва эҳтиёжини қондиришда замонавий технологик линиялар муҳим аҳамият касб этади. Буни тўғри англаган тadbиркорлар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ишларини тизимли амалга ошириб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар тайёрлашни кенг йўлга қўймоқда.

«Тошкентмебель» масъулияти чекланган жамиятида кейинги йилларда хорижий инвестициялар ҳисобига замонавий дастгоҳлар ўрна-тилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, мебель жиҳозларининг харидоргир турларини кўпайтиришга эришилди. Ички бозорда ўрнини топиш баробарида хорижга чиқишни ҳам эзгу мақсад қилган мебелсозлар жорий йилда лизинг асосида харид қилинган 150 минг АҚШ доллари қийматидаги яна бир янги технологик линиядан унумли фойдаланишга киришилди. Натижада маҳсулотнинг бир қисми Афғонистон ва Қирғизистонга экспорт қилинмоқда.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, мохир дизайнерлар гуруҳи жамланган жамоада янги мебель тўпламлари ва турлари ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани, уларнинг мустақамлиги, кўринишидаги алоҳида жозиба бозорда ўрин топишда, буюртмалар кўпайишида катта ҳисса бўлмоқда.

Ҳозирда 50 турдан зиёд маҳсулот харидорларга етказиб берилаётган бўлса, улар орасида ётоқхона, меҳмонхона тўпламлари, юмшоқ мебеллар, стол-стуллар 80 нафар ишчи-хизматчининг меҳнати маҳсули саналади.

Харидорлар таклифидан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб вилоятларида корхонанинг фирма дўконлари фаолият юритмоқда.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Маҳаллийлаштириш дастурига асосан бугунги кунда кўплаб рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқдаки, улар орасида четдан келтириладиган товарлар ўрнини босувчи доридармон воситалари ҳам бор.

Фармацевтика соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналар сафи ортиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган доридармонлар аҳоли саломатлигига хизмат қилмоқда. Бу борада «Nika Pharm» шўъба корхонасини мисол келтириш лозим. Хорижий технологик линиялар билан жиҳозланган учта цехда бугунги кунда маҳаллийлаштириш дастури асосида 56 турдаги доридармон воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган ампула, капсула, таблетка ва бошқа кўплаб доридармон воситалари рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Корхона маҳсулотлари тиббий маъсасаларига етказиб берилмоқда, шунингдек хориж бозорида ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

Қонун ва ижро

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҚАЛБИГА ЭЗГУЛИК СИНГДИРАЙЛИК

Ички ишлар вазирлиги маданият саройида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Мамлакатимиз келажаги бўлган ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, санъат, адабиёт ва спортга жалб этиш бугуннинг долзарб вазифасидир, — дейди ИИББ Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилшод Акрамов. — Қолаверса, уларга тўғри йўл кўрсатиш, турли ҳуқуқбузарликлардан асраш ҳам доимо давлатимиз эътиборида. Бу борада қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назорат-сизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонун айни муддаодир.

Аҳолининг қарийб олтими фоизини ташкил этадиган ёшларимизнинг аксарияти ҳозирги кунда мустақил юртимизга муносиб ворислар бўлиб улғаймоқда. Афсуски, ўсирилар орасида турли нопок йўللарга кириб қолганлари ҳам учрайди. Шундай ёшларни тўғри йўлга бошлаш, бўш вақтини унумли ўтказиш бугун тегишли соҳа ходимлари зиммасига масъулият юклайди.

— Ҳар бир туман ҳокимликлари қошида вояга етмаганлар билан ишлаш бўлими бор, — давом эттирди Д.Акрамов.

— Унда таркиб топган комиссиялар томонидан нафақат болалар, балки ота-оналар билан ҳам суҳбатлар, зарур бўлса — машгулотлар ҳам ўтказилади. Тарбияси оғир болалар билан кенг жамоатчилик, жумладан ҳокимлик, маҳалла, таълим муассасалари ва ички ишлар ходимлари бирга ишлайди.

Айтиш жоизки, вояга етмаганлар билан ишлашнинг энг мақбул воситаларидан бири бу санъатдир. Қалбда ижодга, санъатга ошуфталик бўлган ёшлар ҳеч қачон бировга озор бермайди.

— Бугун республика бўйича 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларни ижод оламига жалб этиш учун яқдиллик билан ҳаракат қилмоқдамиз, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига «Ўзбегим ёшлари» ташкилоти раҳбари Лутфия Рўзибоева. — Давра суҳбатлари, кўплаб бошқа тadbирлар назоратда турадиган йигит-қизлар орасида ҳам санъатга қизиқадиганлари борлигини намойён қилмоқда. Демак, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада изчил олиб бориш лозимдир.

Наргиза АСАДОВА

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, бугунги кунда ички бозорни озик-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдир-иш, хизмат кўрсатиш тизимини тақомиллаштиришда мазкур соҳа вакиллари етакчилик қилмоқда. Бу юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътиборнинг амалдаги натижасидир.

«Ўз элим» корхонаси транспорт воситаларининг салон ва ўриндиқларини таъмирлаш, гилоф тикиш фаолияти билан шуғулланади. Айни пайтда хусусий транспорт воситаларидан ташқари, давлат тасарруфидидаги жамоат транспортига ҳам намунали хизмат кўрсатиш мақсадида ҳамкорлик ўрнатиш борасида иш олиб борилмоқда.



Косим Улмасов олган сурат

ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ — ОСОЙИШТА ТУРМУШ ГАРОВИ

Турмушимизга шиддат билан технологик янгиланган кириб келмоқда. Аммо эслатиб ўтиш жоизки, носоз электр жиҳозидан фойдаланилса, фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Аваламбор ишимизни енгиллаштиришга, вақтимизни тежашга, қулайликлар яратишга мослаштирилган маийш электр жиҳозларини танлашда, тўғри ишлатишда ва сақлашда масъулиятли ҳамда эҳтиёткор бўлиш лозим.

Электр жиҳозларни харид қилишдан олдин унинг сифат сертификати, электр қуввати, истеъмол қиладиган ток ва кучланиши билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ-

дир. Телевизор, магнитофон, чанпоттич, дазмолдан одатий бўлмаган товушлар эшитилса, электр симлари ярқисиз ҳолга келган бўлса, зудлик билан бартараф этиш учун мутахассисга мурожаат этиш даркор.

Розетканинг максимал токига нисбатан ортиқча ток юкламасини юклаш унинг қизишига сабабчи бўлади. Агар розетка ёки ёқиб-ўчириш мосламасининг қизиби кетиши

ҳолати вужудга келса, уларни дарҳол ўчириш ва тармоқдан узатиш чорасини кўриш керак.

Киш фаёли кириб келиши билан хонадонларда кўшимча электр энергиясини ишлатиш бошланди, Туннинг кунга нисбатан узайиши боис электр ёриткичлар кўпроқ ишлатилиши, иситиш тизимида носозликлар мавжуд бўлса, электр иситкич жиҳозларидан фойдаланилиш натижасида электр юклама ошиб, ортиқча энергия ҳамда сармоя сарфланишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун иситиш тизимини соз ҳолатда, кўп қаватли уйлارга кириш йўлакларини эшик-ромяларини мавсумга тайёр қилиш лозим.

Ҳар доим шуни ёдда тутиш керакки, электр қувватидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш инсон ҳаётига хавф туғдириши мумкин.

Ш.АХМЕДОВ,
«Ўздавэнергонадзор»
инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими
инспектори

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ХАФТЛИК ЭЛЕКСТРА

(Давоми. Боши 3-бетда).

00.20 «Янги йил шукруи»... 00.30 «Хавт-мамот»... 01.30 «Салом, ёшлар»...

01.30 «Салом, ёшлар»... 02.00 «Давр»... 02.30 «Янги йил шукруи»...

02.30 «Янги йил шукруи»... 03.00 «Салом, ёшлар»... 03.30 «Янги йил шукруи»...

03.30 «Янги йил шукруи»... 04.00 «Салом, ёшлар»... 04.30 «Янги йил шукруи»...

04.30 «Янги йил шукруи»... 05.00 «Салом, ёшлар»... 05.30 «Янги йил шукруи»...

05.30 «Янги йил шукруи»... 06.00 «Салом, ёшлар»... 06.30 «Янги йил шукруи»...

06.30 «Янги йил шукруи»... 07.00 «Салом, ёшлар»... 07.30 «Янги йил шукруи»...

07.30 «Янги йил шукруи»... 08.00 «Салом, ёшлар»... 08.30 «Янги йил шукруи»...

17.55 Серил «Ефросиня»... 18.55 Серил «Институт благородных девиц»...

18.55 Серил «Институт благородных девиц»... 19.55 Серил «Ефросиня»... 20.55 Серил «Институт благородных девиц»...

20.55 Серил «Институт благородных девиц»... 21.55 Серил «Ефросиня»... 22.55 Серил «Институт благородных девиц»...

22.55 Серил «Институт благородных девиц»... 23.55 Серил «Ефросиня»... 24.55 Серил «Институт благородных девиц»...

24.55 Серил «Институт благородных девиц»... 25.55 Серил «Ефросиня»... 26.55 Серил «Институт благородных девиц»...

26.55 Серил «Институт благородных девиц»... 27.55 Серил «Ефросиня»... 28.55 Серил «Институт благородных девиц»...

28.55 Серил «Институт благородных девиц»... 29.55 Серил «Ефросиня»... 30.55 Серил «Институт благородных девиц»...

30.55 Серил «Институт благородных девиц»... 31.55 Серил «Ефросиня»... 32.55 Серил «Институт благородных девиц»...

9.15 «Интервью»... 9.25 «Уйларим»... 9.30 «Пойтахт»...

9.30 «Пойтахт»... 9.40 Бизнинг «Пойтахт»... 9.45 Миллий сериал «Қалдиғрочлар яна кайтди»...

9.45 Миллий сериал «Қалдиғрочлар яна кайтди»... 10.00 «Салом, ёшлар»... 10.05 «Интервью»...

10.05 «Интервью»... 10.10 «Салом, ёшлар»... 10.15 «Интервью»... 10.20 «Салом, ёшлар»...

10.20 «Салом, ёшлар»... 10.25 «Интервью»... 10.30 «Салом, ёшлар»... 10.35 «Интервью»...

10.35 «Интервью»... 10.40 «Салом, ёшлар»... 10.45 «Интервью»... 10.50 «Салом, ёшлар»...

10.50 «Салом, ёшлар»... 10.55 «Интервью»... 11.00 «Салом, ёшлар»... 11.05 «Интервью»...

11.05 «Интервью»... 11.10 «Салом, ёшлар»... 11.15 «Интервью»... 11.20 «Салом, ёшлар»...

04.55 «НТВ уюми»... 05.30 «Наезд по-русски»... 06.30 «Салом, Тошкент»...

06.30 «Салом, Тошкент»... 07.30 «Салом, Тошкент»... 08.30 «Салом, Тошкент»... 09.30 «Салом, Тошкент»...

09.30 «Салом, Тошкент»... 10.30 «Салом, Тошкент»... 11.30 «Салом, Тошкент»... 12.30 «Салом, Тошкент»...

12.30 «Салом, Тошкент»... 13.30 «Салом, Тошкент»... 14.30 «Салом, Тошкент»... 15.30 «Салом, Тошкент»...

15.30 «Салом, Тошкент»... 16.30 «Салом, Тошкент»... 17.30 «Салом, Тошкент»... 18.30 «Салом, Тошкент»...

18.30 «Салом, Тошкент»... 19.30 «Салом, Тошкент»... 20.30 «Салом, Тошкент»... 21.30 «Салом, Тошкент»...

21.30 «Салом, Тошкент»... 22.30 «Салом, Тошкент»... 23.30 «Салом, Тошкент»... 24.30 «Салом, Тошкент»...

24.30 «Салом, Тошкент»... 25.30 «Салом, Тошкент»... 26.30 «Салом, Тошкент»... 27.30 «Салом, Тошкент»...

08.00 М/с «Батман будущего»... 08.30 М/с «Пинки и Брей»... 09.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

09.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 09.30 М/с «Пинки и Брей»... 10.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

10.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 10.30 М/с «Пинки и Брей»... 11.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

11.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 11.30 М/с «Пинки и Брей»... 12.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

12.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 12.30 М/с «Пинки и Брей»... 13.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

13.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 13.30 М/с «Пинки и Брей»... 14.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

14.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 14.30 М/с «Пинки и Брей»... 15.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

15.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 15.30 М/с «Пинки и Брей»... 16.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

08.00 М/с «Батман будущего»... 08.30 М/с «Пинки и Брей»... 09.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

09.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 09.30 М/с «Пинки и Брей»... 10.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

10.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 10.30 М/с «Пинки и Брей»... 11.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

11.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 11.30 М/с «Пинки и Брей»... 12.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

12.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 12.30 М/с «Пинки и Брей»... 13.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

13.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 13.30 М/с «Пинки и Брей»... 14.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

14.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 14.30 М/с «Пинки и Брей»... 15.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

15.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 15.30 М/с «Пинки и Брей»... 16.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

08.00 М/с «Батман будущего»... 08.30 М/с «Пинки и Брей»... 09.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

09.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 09.30 М/с «Пинки и Брей»... 10.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

10.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 10.30 М/с «Пинки и Брей»... 11.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

11.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 11.30 М/с «Пинки и Брей»... 12.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

12.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 12.30 М/с «Пинки и Брей»... 13.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

13.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 13.30 М/с «Пинки и Брей»... 14.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

14.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 14.30 М/с «Пинки и Брей»... 15.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

15.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 15.30 М/с «Пинки и Брей»... 16.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

08.00 М/с «Батман будущего»... 08.30 М/с «Пинки и Брей»... 09.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

09.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 09.30 М/с «Пинки и Брей»... 10.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

10.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 10.30 М/с «Пинки и Брей»... 11.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

11.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 11.30 М/с «Пинки и Брей»... 12.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

12.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 12.30 М/с «Пинки и Брей»... 13.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

13.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 13.30 М/с «Пинки и Брей»... 14.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

14.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 14.30 М/с «Пинки и Брей»... 15.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

15.00 Д/ф «Джуокри ангал»... 15.30 М/с «Пинки и Брей»... 16.00 Д/ф «Джуокри ангал»...

Бош муҳарир Акмал АКРМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65. Факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқadi. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона мезони: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 12345. Тел.: 244 35 91, 244 35 94, 244 32 23. www.shb.uz